

БЕШКЕНТ ЭГИЛМАСИНИНГ ТЕКТОНИК ТУЗИЛИШНИ ЎРГАНИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

Жураев Ф.О.

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
Қарши шаҳри, Ўзбекистон*

В статье мезозойские толщи сложены юрско-меловым комплексом, континентальными, прибрежными и морскими породами, сложенными осадочными породами на границе Бешкентской излучины.

В течение юрского периода было замечено, что формирование карбонатных пород соответствует четкой периодической (циклической) структуре по условиям и времени их образования, соответственно отражая тектонические этапы.

Изучение характера движения флюидов является одним из необходимых факторов при оценке перспектив нефтегазоносности регионов.

Ключевые слова: гидродинамика, углеводород, залежь, миграция, площадь, флюид, пластовая вода, водонапорный комплекс, гидравлический напор, Бешкентский прогиб.

Мақолада Бешкент эгилмаси чегарасида, мезозой даври қатламлари юра ва бўр мажмуаси, континентал, денгиз-қирғоғи ва денгиз жинсларидан иборат бўлган, чўкинди жинсларидан ташкил топгандир.

Юра даврида карбонатли жинслар пайдо бўлиши-шаклланиш шароити ва вақти бўйича аниқ даврий(циклик) тузилишга мос келишни намоён қилиб, мувофиқ тарзда, тектоник босқичларни ақс этиши кўрилган.

Флюидлар ҳаракати характерини ўрганиш ҳудудларнинг нефть ва газ бўйича истиқболлини баҳолашда зарур омиллардан бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: гидродинамика, углеводород, қатлам, кўчиш, майдон, суюқлик, қатлам суви, сув босими мажмуаси, гидравлик босим, Бешкент ботиқлиги.

The article, the Mesozoic strata are composed of the Jurassic-Cretaceous complex, continental, coastal and marine rocks, composed of sedimentary rocks on the border of the Beshkent bend.

During the Jurassic, it was noticed that the formation of carbonate rocks corresponds to a clear periodic (cyclic) structure in terms of the conditions and time of their formation, respectively reflecting tectonic stages.

The study of the nature of the movement of fluids is one of the necessary factors in assessing the prospects for the oil and gas potential of the regions.

Keywords: hydrodynamics, hydrocarbon, reservoir, migration, area, fluid, formation water, water complex, hydraulic head, Beshkent deflection.

Бешкент эгилмаси регионининг чуқурликдаги тузилишини ўрганиш мақсадида, тузилмали ва чуқур бурғулаш негизида, геофизик, тузилма-тектоник, литологик ва гидрогеологик усуллар комплексида режали геологик тадқиқотлар ўтказиш ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бошланган.

1960 йилларнинг охирида Ўртабулоқ тузилмасида, кейинчалик Бухоро-Хива региони (БХР)нинг бошқа майдонларида йирик УВ конлари билан боғлиқ бўлган риф қурилмаларининг ривожланганлиги аниқланди. Ўртабулоқ ва Денгизкўл майдонларининг карбонат ҳосилаларини риф тузилмалари ҳақидаги илк маълумотлар В.В.Семенович, В.Д.Ильин ва А.Ғ.Ибрагимов томонидан нашр этилган [108; 16-20 б.]. Муаллифлар ушбу майдонларнинг геологик тузилишини батафсил тавсифлаб беришган ва бу массивларни риф тузилмалари билан мос келиши ҳақида хулоса қилишга имкон берадиган омилларни келтиришган. Органоген-бўлакли жинсларнинг риф қурувчи организм қолдиқлари билан ривожланиши ҳисобига қарбонатларнинг қалинлигини деярли икки баробар органлиги аниқланган. Ёнма-ён жойлашган қисқарган қалинликда очилган кесимда юқори қисми нисбатан чуқур сувли гилли оҳактошдан ташкил топган.

Шу вақтдан бошлаб юра даври карбонат ётқизиқларига қизиқиш жуда тез суратда ошди. Рифларнинг ўсиш шароитларини ўзгариши, уларни тарқалиш қонуниятлари, нефтгазлилигини ўрганиш билан геологларнинг катта жамоаси шуғулланишди, жумладан, О.М.Акрамхўжаев, Г.С.Абдуллаев, М.Х.Арифжонов, П.У.Ахмедов, А.Ғ.Бабаев, В.И.Вето, А.Ғ.Ибрагимов, В.Д.Ильин, В.В.Корсунь, В.В.Курбатов, Х.Х.Миркамалов, А.Х.Нуғманов, З.С.Убайхўжаева, Н.К.Фортунатова, С.Т.Ҳусанов, М.Э.Эгамбердиев ва бошқалар.

Бешкент эгилмаси тектоник жиҳатдан, Бухоро-Хива региони (БХР)ни ташкил этувчи қисми саналади ва герцин тектоник келиб чиқишидан кейин, альп орогенези пайдо бўлгунга қадар, умуман нисбатан тинч тектоник ҳолатда ривожланди. Тадқиқ этилаётган мадон чўкинди қобиқ тузилмаси элементлари ва геологик тузилмалар ривожланиш босқичи куйидаги кўринишда ифодаланади: [24; с.8-15, 25; с.30]:

- кўриб чиқиляётган майдон, юқори палеозойда, Тяньшан геосинклинал региони жанубий-ғарбий чекка қисмига кириб борган;

- у, юқори палеозой сўнгида, ҳозирги кунгача шу жойда сақланаётган геосинклинал ривожланиш босқичдан платформали босқичга ўтди;

- палеозой асоси, юра даври чўкинди жинслари тўпланишига қадар, кўпроқ даражада пенепленизиранланган, айрим жойларда мураккаб нураш(эрозион)-тектоник тузилишли жанубий-ғарбга қараб эгилган (қияланган) моноклинал юзани ташкил этар эди.

Ботикликни мезазой ётқизиқлари, платформа шароитида шаклланган, чўкинди жинсларни мураккаб мажмуасини ифодалайди. Платформали пайдо бўлишда, геосинклинал зайл ривожини ўзгариши палеозой даври сўнгида содир бўлди, ва кучли диастрофия шаклида ифодаланди ва кейин тоғ иншоатларини пенепленизацияси кузатилди. Бу билан палеозой ва мезазой туташувида асосий ихтилоф борлиги ва чўкинди тоғ жинслари қирқимини аниқ иккита тузилма-пайдо бўлиш даврига бўлиниши тушунтирилади. Улардан биринчиси, бурмаланиш асосини ташкил этувчи палеозой мажмуасини, иккинчиси эса чўкинди қобик ҳосил қилувчи мезозой ва кайназой даврига мувофиқ келади.

Бешкент эгилмаси худди яхлит тузилма шаклида биринчи марта Б.Б.Таль-Вирский томонидан 1962 йилда ажратилган эди. Кейинчалик унинг тузилиши А.А. Абидов [4, 5], А.М. Акрамхўжаев [8,9], А.Г. Бабаев [19, 20, 21, 92], Ш.Д.Давлатов [34, 35], Г.Х. Дикенштейн [40], Ф.Г. Долгополов [37,38,39], В.Д. Ильин [44], К.А. Клещев [48], Н.А. Крылов [51], О.А. Рыжков [65], В.И. Троицкий [76] ва бошқалар томонидан ўрганилди.

Учбош-Қарши синиғи қалинлиги қуйи ва ўрта юра даври ётқизиқларида етарли даражада ошиб ботиклик шимолида 0-250 м, марказида 1000 м дан ортиқни ташкил этади. Юқори юра карбонат тоғ жинслари мавжуд қалинлиги синишни иккала томонида ҳам ўзгармайди.

Бундан ташқари Бешкент эгилмаси марказида, карбонатли ҳосил бўлиш тоғ жинслари қалинлиги 200 м гача камаяди, бу мувофиқ келувчи вақт бўйича бир мунча ўрни тўлмаган эгилиш билан боғлиқдир. Айниқса юқори юра туз ҳосил бўлиш даврида қалинлиги жуда тез ўсиб боради (1000 гача).

Лангар-Кораил узилма-ёриғи региони (флексура-разрывной зона-ФРЗ), кўпроқ шимолий-шарқ бўйламасида, кўплаб майда синишларни кесиб ўтиб бирин-кетин жойлашган синишлардан иборатдир. Бунинг оқибатида, улар синиқ ҳосил қилувчилар бўйламасига нисбатан, бўйлама узилма-ёриғи региони (флексура-разрывной зона-ФРЗ) меридионал йўналишдагига яқиндир.

Ғарбда ботиклик, неоген тоғ жинслари қалинлиги тез ошган (2000 м гача) региони билан чегараланган бўлиб, у Помук антиклинали шарқий ён томони (қаноти)да аниқланган. Кейингиси ботиклик янги тектоник босқичда шаклланганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Ботикликни жанубий-ғарбий чегараси, шартли равишда Амударё синиғи бўйлаб ўтказилган.

Синишлар жойлашуви (ҳолати), уларни белгилаш(трассирование), фаоллашиш даврида О.А.Рыжков, Ш.Д. Даваятов ва бошқ. [106; с.28-68], А.А.Бакиров ва бошқ. . [31; с.245], В.П. Гаврилов [42; с.4-11], Б.Б. Таль-Вирский

[115; с.271], Т.Л. Бабаджанов [23; с.58], А.Х. Нуғманов [98;с.19-26] ва бошқаларни илмий ишларида батафсил баён қилинган.

Турли даврларда синишларни фаоллашуви бир хил бўлмаган. Айниқса, тектоник пайдо бўлишни фаоллик кўрсатилиш босқичда, блоклар ўзгариши(силжиши)да паст-баландлик даражаси амплитуднинг энг юқори бўлган. Регионий синишлардан ташқари, узоқ вақт давомида маҳаллий бузилишлар шаклланди, булар қаторига Ғарбий-Қарактай, Дарбазакам-Уракбай, Керкитоғ-Аляудитоғ мансубдир.

Хулосалар. Бешкент эгилмаси чегарасида, мезозой даври қатламлари юра ва бўр мажмуаси, контенентал, денгиз-қирғоғи ва денгиз жинсларидан иборат бўлган, чўкинди жинсларидан ташкил топгандир.

Юра терриген жинслар пайдо бўлиши, контенентал, денгиз-қирғоғи мажмуалари жинсларидан: кимерек (дастлабки юра), гуруд (аален-дастлабки байос), дегибадам (сўнги байос), тангидувал (дастлабки-ўртай бат) ва бойсун (сўнги бат-дастлабки келловей) тоғ жинслари тизмасидан ташкил топгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Г.С., Солопов Г.С., Богданов А.Н., Эйдельмант Н.К. Некоторые особенности нефтегазоносности терригенных отложений нижне-среднеюрского возраста северо-западной части Чарджоуской ступени. Защита окружающей среды в нефтегазовом комплексе // Узб. журнал нефти и газа, Ташкент, 2008, №9, -С.129.
2. Абдуллаев Г.С., Шоймуратов Т.Х., Юлдашев Ж.Ю. Мобилистские тенденции в нефтегазовой геологии Узбекистана // Узб. журнал нефти и газа, Ташкент, 2009, №1, -С.12-14.
3. Алиев И.М., Аржевский Р.А., Борисов А.А.; под ред. Дикенштейна Г.Х. Тектоника и нефтегазоносность западных районов Средней Азии. -М.: Гостоптехиздат, 1963. -С.223.
4. Альтовский М.Е. Гидрогеологические показатели нефтегазо-ности. - М.: Недра, 1967.
5. Алимухамедов Н.Х. Исследование особенностей разведки и разработки нефтяных оторочек на нефтегазовых месторождениях западного Узбекистана. - М.: МТЭА, 1990. -С.111.
6. Ахмедов П.У., Убайходжаева З.С., Рамазанов С.Р. и др. Литолого-геохимическая характеристика юрской рифогенной карбонатной формации Бухаро-Хивинского региона. Тезисы докладов на Междун. совещ. «Геология рифов». Сыктывкар, Россия, 2005, -С.14.

7. Барс Е.А. Гидрогеологические условия формирования и размещения скоплений нефти и газа // Основные условия генерации и аккумуляции нефти и газа. -М.: Недра, 1978. -С. 97-109.

8. Барс Е.А. Органическая гидрогеохимия нефтегазоносных бассейнов. - М.: Недра, 1982.

9. Всеволожский В.А., Киреева Т.А. Влияние глубинных газопаровых флюидов на формирование состава пластовых вод нефтегазовых месторождений. // Вестн. Моск. Ун-та. Сер. 4. Геология. -М.: 2010, №3, -С. 57-61.